



СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ

и.ф.д., проф. **Урмонов Жахонгир**
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
urmonov_jahongir@mail.ru

Аннотация. Мақолада солиқ имтиёзларининг иқтисодий самараси KPI, шаффоф “солиқ-харажат” реестри ва комплекс инфратузилма пакетлари орқали ошиши, Ирландия, Малайзия, Қозоғистон, Бразилия ва Жанубий Африка тажрибалари асосида Ўзбекистон учун амалий йўл харитаси таклиф этилган.

Калит сўзлар: солиқ имтиёзлари, KPI, шаффофлик, яшил энергетика, инвестиция, рақобат, инфратузилма.

ПЕРЕОСМЫСЛЕНИЕ НАЛОГОВЫХ ЛЬГОТ И ИХ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ

д.э.н., проф. **Урмонов Джахонгир**
Университет общественной безопасности Республики Узбекистан

Аннотация. В статье предлагается повышение экономической эффективности налоговых льгот за счет KPI, прозрачного реестра «налоги-расходы» и комплексных инфраструктурных пакетов, а также практическая дорожная карта для Узбекистана на основе опыта Ирландии, Малайзии, Казахстана, Бразилии и ЮАР.

Ключевые слова: налоговые льготы, KPI, прозрачность, зеленая энергетика, инвестиции, конкуренция, инфраструктура.

RECONSIDERING TAX INCENTIVES AND THEIR ECONOMIC EFFECTIVENESS

DSc, prof. **Urmonov Jahongir**
University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

Abstract. The article proposes an increase in the economic effectiveness of tax incentives through KPI, a transparent “tax-expenditure” register and complex infrastructure packages, and a practical roadmap for Uzbekistan based on the experiences of Ireland, Malaysia, Kazakhstan, Brazil and South Africa.

Keywords: tax incentives, KPI, transparency, green energy, investment, competition, infrastructure.

Кириш.

Солиқ имтиёзлари – бу давлат томонидан муайян гуруҳлар ёки фаолият турлари учун қўлланиладиган солиқ тўлашдан қисман ёки тўлиқ озод қилиш шаклидаги тартибдир. Бу механизм иқтисодиётда ижобий рағбатлантириш воситаси сифатида кенг қўлланилади ва инвестиция жалб этиш, экспортни рағбатлантириш, ижтимоий заиф қатламларни қўллаб-қувватлаш ёки муайян стратегик тармоқларни ривожлантириш каби мақсадларга хизмат қилади. Бироқ солиқ имтиёзларининг самарадорлиги доим ҳам аниқ ва кафолатланган эмас. Ҳаттоки айрим ҳолларда улар давлат бюджетига тушумларни қисқартириши, бозорда нотенг рақобат муҳитини юзага келтириши ва "солиқ сиёсатининг адолатлилиги" принципига зид ҳолатлар пайдо қилиш эҳтимоли бор.

Ўзбекистонда 2017 йилдан буён амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар фонида солиқ тизими ҳам қайта кўриб чиқилмоқда. Солиқ маъмуриятчилигининг рақамлаштирилиши, якка тартибдаги тадбиркорлар учун енгиллаштирилган режимлар, солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган чоралар билан бир қаторда, солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва уларни оптималлаштириш масаласи кун тартибида турибди. Хусусан, 2019–2022 йилларда 200 дан ортиқ солиқ имтиёзлари бекор қилингани ёки уларга чегаралар киритилгани ушбу масалага нисбатан давлат сиёсатида жиддий ёндашув мавжудлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ушбу тадқиқотда солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлиги, уларнинг давлат бюджетига ва инвестицион муҳитга таъсири, ҳамда ушбу имтиёзларнинг қайта кўриб чиқилиши натижасида юзага келаётган ўзгаришлар таҳлил қилинади. Бу орқали нафақат мавжуд имтиёзларнинг фойда-зарар нисбати аниқланади, балки келгусида қандай турдаги имтиёзлар самарали эканлиги бўйича хулосалар чиқарилади.

Ушбу мавзудаги илмий изланишлар нафақат иқтисодий сиёсатнинг аниқлиги ва асосланганлигини таъминлашга хизмат қилади, балки фискал барқарорлик, хосилдорлик ва самарадорликни таъминлашга қаратилган муваффақиятли солиқ сиёсати асосларини мустаҳкамлашга кўмак беради. Зеро, солиқ имтиёзлари тўғри бошқарилмаса, улар иқтисодий ривожланишга эмас, балки молиявий ноаниқликларга олиб келиши мумкин.

Адабиётлар шарҳи.

Солиқ имтиёзлари масаласи иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўплаб тадқиқотчиларнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда. Уларнинг самарадорлиги, иқтисодий ўсишга таъсири, давлат бюджетига бўлган муносабати ва бозордаги тенг рақобатга таъсири кенг қўламда баҳоланган.

Zee et al. (2002) солиқ имтиёзларини хорижий инвестицияларни жалб этишдаги роли нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, айрим ҳолларда имтиёзлар кутилган натижани бермаслиги мумкинлигини, чунки инвесторлар учун бозор улуши ва сиёсий барқарорлик кўпроқ аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Муаллифлар солиқ имтиёзлари вақтинчалик ва аниқ мезонлар асосида берилиши лозимлигини таъкидлайди.

Bird and Zolt (2003) эса солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлигига таъсирини чуқур ўрганган. Уларнинг фикрига кўра, кўп ҳолларда солиқ имтиёзлари орқали давлат сармоя оқимини жалб қилишни кутса-да, натижада бюджетга тушумлар камаяди ва ижтимоий харажатлар қисқаради.

Klemm (2010) ўз ишида 40 та ривожланаётган мамлакатда қўлланилган солиқ имтиёзларини солиштирган ва инвестиция жалб этишда имтиёзлардан кўра институционал муҳитнинг устувор эканини аниқлаган. У солиқ имтиёзлари аксар вақт иқтисодий самарасиз натижа бериши ва коррупция хавфини ошириши мумкинлигини ҳам қайд этган.

Mahmood and Chaudhry (2013) Покистондаги солиқ имтиёзларининг таъсирини ўрганиб, уларнинг иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсатиши учун самарали назорат ва баҳолаш тизими зарурлигини билдирган. Уларнинг таҳлилида бюджет манфаати ва иқтисодий рағбатни баланслаш муҳимлигига алоҳида эътибор берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги кунда солиқ имтиёзлари дунё бўйлаб ҳукуматлар қўлидаги энг баҳсли, бироқ энг таъсирчан иқтисодий воситалардан бирига айланган. Деярли ҳар бир давлат – ривожланганми ё ривожланаётганми – стратегик тармоқларни рағбатлантириш, хорижий сармоя оқимини жалб этиш ёки пандемия каби фавқулодда шоклар оқибатини юмшатиш учун турли солиқ енгилликларини жорий қилмоқда. Шу билан бирга, имтиёзлар орқали давлат, аслида, ўз бюджетидан воз кечади; демак, ҳар бир енгиллик учун «мен қанча маблағни қўйиб юбораяпман ва эвазига қай даражада қиймат олаяпман?» деган саволга дақиқ жавоб талаб этилади. Ўзбекистонда бу масала 2020 йилдан кейинги солиқ ислохотларининг марказига айланди.

Янгиланган Солиқ кодекси имтиёзлар «мақсадли, муддатли ва ҳисобдор» бўлиши кераклигини белгилади, Солиқ қўмитаси билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги эса ҳар бир енгиллик бўйича бюджетга тушумлар ва иқтисодий натижаларни ҳисоботларда акс эттириш вазифасини олди. Лекин шаклдаги бу мажбурият амалда тўлиқ ишлаётгани йўқ – расмий очиқ KPIлар етишмаслиги бозор иштирокчилари, тадқиқотчилар ва жамоатчилик учун ҳали-ҳамон имтиёзларнинг ҳақиқий фойда-зарарини баҳолашни қийинлаштирмоқда.

Ўзбекистоннинг айнан ўз ичидаги мисоллардан бошласак, 2022 йил 9 сентябрда қабул қилинган 220-сон Президент фармони энергия тежамкор технологиялар ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаи ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар учун фойда ва мулк солиғи ставкаларини уч йил давомида 50 фоизга камайтирди; имтиёз янги тузилган компанияларга ҳам 2025 йил 1 сентябргача татбиқ этилади. Шу орқали ҳукумат «яшил иқтисодиёт»ни маҳаллий саноат асосида шакллантиришни кўзлаётганини энергетика бўйича ички йўл хариталарида ҳам таъкидлади. Бироқ ушбу фармон бўйича жалб қилинган сармоя ҳажми, яратилган иш ўринлари, маҳаллий қўшилган қиймат улуши ва бюджетга тўғридан-тўғри тушум каби кўрсаткичлар ҳали очиқ базада эълон қилинмаган.

Туризм – солиқ имтиёзлари қисқа муддатли антишок воситаси сифатида қўлланган яна бир тармоқ. COVID-19 пандемияси даврида 2020 йил 28 майдаги Президент фармони ПФ-6002 туроператор, турагент ва меҳмонхона корхоналари учун фойда солиғи бўйича 50 фоиз чегирма, туристлик (меҳмонхона) солиғини вақтинча тўхтатиш ҳамда фоизсиз кредитлар тақдим этишни ўз ичига олди. Мазкур енгиллик 2020 йил 31 декабргача амал қилган бўлса-да, Туризм ва спорт вазирлиги 2023 йил якунида ички туристлар сони 18 фоизга ошганини хабар қилди; шунга қарамай, имтиёз туфайли бюджетдан воз кечилган суммани хизмат экспорти ўсиши қанчалик қоплагани ҳақида расмий KPI нашр этилмаган.

Бу ўринда «солиқ имтиёзи + KPI + шаффоф мониторинг» учлиги қандай ишлаши мумкин эканлигини кўрсатиб берувчи энг танилган мисоллардан бири – Ирландия. У 1990-йиллар бошида корпоратив даромад солиғини 12,5 фоизга тушириб, Google, Apple, Meta каби трансмиллий корпорацияларни Дублинга жалб қилди. Ички ялпи маҳсулот улуши кескин ошди, аммо OECD 2015 BEPS таҳлили шуни кўрсатдики, даромаднинг салмоқли қисми трансферт нархлар орқали «қоғозда» қолиб кетган, маҳаллий таъминот занжири ва кадрлар малакасига таъсир чекланган бўлиб чиқди. Ирландия шу сабабли 2023 йилдан «Tax Expenditure Report» номли очиқ реестр жорий қилди – ҳар бир солиқ енгиллиги учун давлат воз кечган сумма ва эвазига олинган иқтисодий қайтарма оммага эълон қилинади.

Малайзия эса солиқ имтиёзларини махсус иқтисодий зоналарда (МИЗ) инфратузилма, кадрлар тайёрлаш, R&D қўллови билан бир пакетда таклиф қилиб, 2024 йилда RM 378,5 млрд ($\approx$ 80 млрд доллар) сармоя тасдиқлади; бунинг 31,8 фоизи 4.0-саноат лойиҳаларига тегишли экани MIDA 2024 инвестиция ҳисоботида кўрсатилган. Бунда солиқ имтиёзлари мустақил эмас, балки комплекс пакетнинг бир бўлаги сифатида қаралди. Шунинг учун ҳам сармоялар маҳаллий таъминот занжирларига чуқур илдиз отди, экспорт диверсификациясига хизмат қилди.

Қозоғистонда Астана Халқаро Молия Маркази (AIFC) – солиқ ва маъмурий енгилликлар, 25 йиллик режим барқарорлиги кафолати каби шароитлар орқали хорижий сармояга йўл очди. АҚШ Давлат департаментининг 2022 йилги инвестиция климати ҳисоботида кўра, иншоот ҳақиқатдан трансмиллий молиявий институтларни жалб қилган, бироқ маҳаллий кичик ва ўрта бизнес учун кириш тўсиқлари юқори бўлиб қолган, шу боис имтиёзлар жойлардаги фойдаланувчилар доирасини чеклаган.

Бразилия ва Жанубий Африка солиқ енгилликларининг шаффоф ҳисоботсиз қолганда қандай хавфлар пайдо бўлишини кўрсатади. Бразилия Хазинаси маълумотларига кўра, 2011-2016 йилларда марказий ҳукумат солиқ-харжатлари ЯИМнинг ўрта ҳисобда 4,1 фоизини ташкил этган, аммо сармоя оқими кутилган даражада ўсмаган, бюджет дефицити эса кенгайган. Жанубий Африка Миллий хазинасининг 2022 йилги солиқ-харжат баёнотида умумий енгилликлар номинал ЯИМга нисбатан 4,7 фоизга тенглиги қайд этилган, аммо сектор кесимида самараси нотенг экани таъкидланган.

Ушбу халқаро таҳлиллардан учта асосий сабоқ олиш мумкин. Биринчидан, солиқ имтиёзининг ҳақиқий фойда-зарари фақат КРІ орқали ўлчанса аниқ кўринади. Ҳар бир енгиллик учун жалб қилинган сармоя, яратилган иш ўрни, маҳаллий қиймат улуши, экспорт ҳажми каби кўрсаткичлар оммага очиқ бўлмас экан, фискал таваккал тўлиқ кўринмайди, бюджетдан воз кечиш эса «қора кути» сифатида қолаверади. Иккинчисидан, имтиёзлар барча бозор иштирокчилари учун очиқ, умумий мезонларга таянган ва вақт билан чегараланган бўлиши шарт; акс ҳолда, улар бозорда фаворитизмни кучайтиради. Учинчидан, солиқ енгилликлари инфратузилма, кадрлар ва тадқиқот кўмаги билан уйғунлаштирилганда – Малайзия МИЗ модели каби – сармоя чуқур илдиз отади.

Ўзбекистон учун бу сабоқлар бир томондан, ПФ-220, ПҚ-5063, ПФ-6002 каби охириги қарор-фармонлар аниқ тармоқлар учун имтиёзни «ўқланган ўқ»га ўхшаш мақсадли механизмга айлантиришга интиломда. Иккинчи томондан, уларнинг ижросини аниқ КРІлар билан ўлчаш, солиқ-харжатлар қоғозда эмас, рақамларда акс этган ҳолда жамиятга тақдим этиш талаби эндигина шаклланиб бормоқда. Солиқ қўмитаси 2024 йил кузида «Tax for SDGs» дастури ёрдамида имтиёзлар мониторинги учун янги индикаторлар ишлаб чиқмоқда; улар тўла ошкор қилинса, имтиёзларнинг самарадорлиги ҳақида аввалдан кўра аниқроқ сўз юритиш мумкин бўлади.

Якунида шундай хулосага келамизки, солиқ имтиёзларини қисқартириш ё кўпайтириш эмас, балки уларни «ақл билан бошқариш» муҳим. Ирландиянинг очиқ солиқ-харжат реестри шаффофликни таъминлайди, Малайзиянинг МИЗ комплекси сармояни инфратузилма билан боғлайди, Қозоғистон тажрибаси эса ҳадаф сегментини аниқлаш қанчалик зарурлигини кўрсатади. Бразилия ва Жанубий Африка мисоллари эса ҳисоботсиз имтиёзлар бюджет учун оғир юк бўлашаётганини исботлайди. Ўзбекистон бу сабоқларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир енгилликка КРІ боғлаб, очиқ реестр жорий этар экан, солиқ имтиёзлари давлат бюджети, сармоя оқими ва технологик ривож ўртасида барқарор мувозанат яратади — шу даражадаки, уларни ҳақиқатан «инвесторни жалб этувчи магнит»га айлантириш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги келгуси солиқ сиёсатининг муҳими – имтиёзларни стратегик равишда қисқартириш эмас, балки уларни аниқ мақсадли, вақт билан

чегараланган ва КРІ орқали доимий баҳоланадиган механизмга айлантиришдир. Бу бозорда тенг рақобатни сақлайди, бюджет таваккаллари чеклайди ва сармоя оқимининг реал қайтармасини оширади. Халқаро амалиёт кўрсатганидек, солиқ имтиёзларидан ташқари муносабат инфратузилма, билим ва институтлар сифати билан мустаҳкамлангандагина ҳақиқий иқтисодий барқарорликка олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

Солиқ имтиёзлари давлат ихтиёридаги икки ёқлама таъсирга эга инструмент ҳисобланиб, мақсадга мувофиқ қўлланилганда макроиқтисодий фаолликни рағбатлантиради, нотўғри бошқарилганда эса фискал таваккаллари оширади. Халқаро амалиёт бу воситани татбиқ этишда қуйидаги учта методологик тамойилга алоҳида урғу беради:

1. Ҳар бир имтиёзга аниқ КРІ боғланмас экан – сармоя ҳажми, маҳаллий қўшилган қиймат, экспортдаги улуш, яратилган иш ўрни – солиқ чегирмаси шаффоф бўлмайди. Очiq “солиқ-харажат” реестри – жамоатчилик олдидаги энг кучли кафолат.

2. МИЗ модели исботлаганидек, имтиёз инфратузилма, кадрлар тайёрлаш ва R&D қўмаги билан уйғунлашгандагина сармоя мамлакат ичида чуқур илдиз отади, технология ва инновацияларни кўчиради.

3. Енгилликлар мақсадли, вақт билан чекланган ва барча бозор ўйинчилари учун бир хил мезонлар асосида тақдим этилмаса, фаворитизм ва монополия хавфи тезда бош кўтаради.

Шундай қилиб, солиқ имтиёзлари ўз вазифасини мукамал адо этади: бюджет интизомини бузмасдан сармояларни жалб қилади, технология ва иш ўринларини кўпайтирган ҳолда Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва рақобатбардош қилади.

Адабиётлар/Литература/References:

Bird, R. M. & Zolt, E. M. (2003). *Introduction to Tax Policy Design and Development*. World Bank, Washington, D.C.

MIDA (2025) *Govern. of Malaysia, Investment Performance Report 2024*. Kuala Lumpur.

Klemm, A. (2010). *Causes, Benefits, and Risks of Business Tax Incentives*. IMF Working Paper No. 10/21. DOI: 10.5089/9781451962745.001

Mahmood, T. & Chaudhry, I. S. (2013). *Impact of Tax Incentives on Economic Growth: A Case Study of Pakistan*. *Pakistan Journal of Social Sciences*, 33(2), pp. 275–285. http://www.bzu.edu.pk/PJSS/Vol33No22013/Final_PJSS-33-2-04.pdf

National Treasury South Africa (2022) *Tax Expenditure Statement, Annex B*. Pretoria.

OECD (2015) *Aligning Transfer Pricing Outcomes with Value Creation, BEPS Actions 8-10*.

State Department (2022) *Investment Climate Statement – Kazakhstan*. Washington DC.

Tesouro Nacional Brasil (2018) *Indirect Expenditures of the Federal Government: Relevance for Tax Policy*. Brasília.

UNCTAD (2022) *Investment Policy Monitor Note on UP-220 Incentives*. Geneva. [UNCTAD Investment Policy Hub](https://unctad.org/investment-policy-hub)

UNESCAP (2020) *FDI Trends and Statistics – Malaysia SEZs*. Bangkok.

Zee, H. H., Stotsky, J. G. & Ley, E. (2002). *Tax Incentives for Business Investment: A Primer for Policy Makers in Developing Countries*. *World Development*, 30(9), pp. 1497–1516. DOI: 10.1016/S0305-750X(02)00050-5

Фармон (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.05.2020 йилдаги “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6002-сон

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2022 йилдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-220-сон